

(Исфандиёрхон) (? - 1643)  
(1623-1643)

Хива хони, Араб Мухаммадхоннинг ўгли. Шайбонийлар сулоласидан. Туркманлар ёрдами билан укаси Элборс (Илборс) Султонни тахтдан ағдариб, 1623-йили Хивада хонлик тахтига ўтирди. У туркман зодагонларига таяниб иш юритди. Эрон давлати кўлига ўтиб қолган Жанубий Туркманистонни Хива хонлигига кўшиб олишга интилни, аммо 1628-йилда сафавийлар кўшинидан енгилди. ХВВИ асрнинг 30-40-йилларида Бухоро ва Россия билан савдо-сотиқ ишларини олиб борадиган қарвонларга зарар етказётган қалмоқларга қарши қаттиқ қураш олиб борди; қалмоқларга қарши иттифок тузиш мақсадида Москва билан музоқаралар юритди. Араб Мухаммадхонни ўлдиришда Хабаб Султон билан Элборс султonga ёрдам бергани учун Хоразмдаги уйгур ва найман қабилаларининг қорва молларини тортиб олди ва уларга қарши қиргин уюштирди. Бу қорвадан қутилиш учун ўзбекларнинг бошқа қабилалари Хивадан Мовароуннахрга, қабилалар эса Мангишлок ёки қозок даштларига қўчиб қетдилар.

Асфандиёрхон даврида тарқоклик ва халқ оммасини эзиш янада қучайди, бу эса меҳнатқашлар қорозилигига сабаб бўлди. Бундан қорваланган ер мулкдорлари ўз қабилаларидан бири Абулғози Бақодирни Асфандиёрхонга қарши қўйдилар. Қаттиқда 1643-йил Орол ўзбеклари Абулғозини хон қилиб қўтардилар. Қудди ши йили Асфандиёрхон вафот этди. Орадaн 2 йил ўтгач, Абулғози Бақодирхон Хивада тахтда ўтирди.